

Ортиқбой Абдуллаев

ТУРКИСТОННИНГ

ЎТГАН

КУНДАРИ



ОРТИҚБОЙ АБДУЛЛАЕВ

ТУРКИСТОННИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 2002

Чор давлати XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонни босиб олиб, маҳаллий халқларни истибодга солгани мустабид совет даврида фақат бир гомонлама ёритилди, унинг асл моҳияти, ўлка тақдирида ўйнаган салбий роли яшириб келинди. Бугунги ошкоралик шароитида мустақиллик йўлига дадил қадам қўйган халқимиз қонли тарихи ҳақида бор ҳақиқатни аниқ билишни истаydi

„Туркистоннинг ўтган кунлари“ номли ушбу китоб шу йўлдаги дастлабки тадқиқотлардан биридир. Унда Туркистонни асоратга солган даҳшатли чор Россияси генераллари фон Кауфман, Скобелев, Головачев ва бошқа истилочиларнинг асл қиёфаси рўйрост кўрсатилади, улар уюштирган қирғинлар далиллар асосида фош этилади.

Китоб ўрта мактаблар ҳамда олий ўқув юрларининг тарих ва адабиёт ўқитувчилари, илмий ходимлар, аспирантлар, ўқувчилар, шунингдек, тарих муаммолари билан қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган.

Тўпламга муаллиф таржима қилган В. В. Версичагиннинг „1868 йилда Самарқанд“ номли хотиралари ҳам киритилди.

Масъул муҳаррир: ёзувчи Хуршид Дўстмуҳамедов.

Такризчилар: филология фанлари доктори, профессор
Н. Раҳимжонов, тарих фанлари доктори,
профессор О. Содиқов

4306020600—30 буюр. нар. — 2002
353/04/—2002

ISBN 5—645—03419—8

© „Ўқитувчи“ нашрияёти, 2002

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Тарихнинг маънавиятимизда тугган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Маънавиятни тиклаш, гуғитиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.

Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг ажлодларим қиммат бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққи туриши, тикланиш, шаклланиш жарасни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Раёҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII — XIX асрларга келиб, то шу чоққача эрилган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Ажлодларимизнинг қаттиқ қаршичилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни ишбатаи осон забт этишида ана шу қолюқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикин?

Тарихий ишизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар тўшрига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўрғатади, иродасини мустаҳкамтайди¹.

Ислом Каримов

¹ И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз, 7- жилд, Т., „Ўзбекистон“, 1999.

Биринчи қисм
ТУРКИСТОННИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ
(Ўйлар)

„Нега йиғламайсан, Она Туркистон?!“

I. Ўзингдан чиққан ёв ёмон

Йиллар ўтади. Довуллар тинади. Жанг-жадаллар тарих қаърида унутилиб кетади. Сохта ҳайкаллар ағдарилади. Қудрагли салтанатлар емирилади. Ёлғон ғоялар барҳам топади. Янги-янги авлод-насллар ажлодлар руҳини дилига жойлаб вояга етади ва жамиятни поклаш учун, топталган алолатни, эркни, эзгудикни яна ўз ўрнига тиклаш учун кураш майдо-нига чиқали. Бу ҳол узлуксиз давом этаверади. Ҳаёт — абадий Оқиб гурган дарёни ҳеч ким тўхтатиб гурулмайдди.

Чоризмнинг мустамакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилч билан жорий қилган даҳшатли генераллардан бири Михаил Дмитриевич Скобелев ҳақида мақола ёзарман деб сира ўйламаган эдим. Сабаби, давр алтақачон унинг фаолиятига баҳо берган, шафқатсиз ўз ҳукмини чиқариб қўйганди. 1917 йили октябрь гўптаришиндан кейинги дастлабки йиллардаёқ фақат чор генерали Скобелевгина эмас, унинг ҳамтовоқлари — „*ярим подшо*“ Кауфман, генерал-губернатор Куропаткинлар, жаллод Головачёв ва бошқа зобитлар меҳнаткаш халқга зибига учрагани ҳаммага маълум. XX асрнинг 20 — 30- йилларида босилиб чиққан вақтли матбуотдаги гурули мақолаларда ҳамда тарихий асарларда чор зобитларининг босқинчилик юришлари, Туркистон халқларини қинчалик шафқатсизлик билан қириб, қон қақшатгани, талагани ҳақида кўплаб ёзилган эди. Айниқса, II Жаҳон урушидан кейин босилиб чиққан икки жилдлик „Ўзбекистон халқлари тарихи“ асарининг иккинчи китобидаги (Тошкент, ЎзФЛ, 1947 й.) академик Бахрушин томонида ёзилган бобларда чоризмнинг мустамакачилик сиёсати кўндан-кўн ҳужжатлар, далиллар асосида фўш этилганди. Бу улкан талқиқотни уқитан олиши юқоридани муаммага бугунги нуқта кўрилиши, деган ҳулосага келиши табиий. Аммо, нуқ, янгилишдан эканми? Тарих ғалаётинини гитклиаб, янги „*контрибуциялар*“ топишга уч „*шинаванона*“ лар ҳақи нуқолмаган экан.

Бир вақтлар — 60- йилларнинг охирларида „Самарқанд шаҳрида қурбон бўлган чор аскарлари хотирасига қўйилган ёдгорлик қаровсиз қолиб, емирилиб кетяпти, шошилинч ёрдам керак!“ — деган мазмундаги хитоб вилоятда чиқадиган газетада босилгани эсимда. Шунда ҳамма газабланган эди. Кўҳна шаҳар — қалимий пойтахтимиз Самарқанддаги буюк обидаларни тўпга тутиб вайрон қилган, тинч аҳолини шафқатсизлик билан қирган (бу ҳақда бошқа бир ўринда батафсил гапириш ниятидамиз) мустамлака қўшинлари хотирасини эъзозлаш ҳақидаги гапнинг собиқ совет матбуотида босилишида катта мантиқсизлик бор эди. Ахир биз чоризмни айдариб ташлаган ва эски дунё ҳимоячиларининг ҳаммасини битта қўймай қириб ташлашга аҳд қилган авлод фарзандларимиз-ку! Мен бу гапни жуда фахрланиб айтаётганим йўқ, аммо, аслида тарих ҳақиқати шундай бўлди-ку! Хўш, подшо ёмон, меҳнаткаш халқнинг душмани экан, унинг сиёсатини қадам-бақадам амалга ошириб, зулм салтанатини ҳимоя қилган, бошқа халқларни куч билан, зўрлик билан ўзига бўйсундирган чор армияси-ю, унинг мустамлакачи амалдорлари, қонхўр зобитлари яхши бўлиб қолдими?!

Кейинроқ, Булғориянинг усмонли турклар исгибодидан озод бўлган кунга 100 йил тулиши муносабати билан турли тадбирлар ўтказилаётган кунларда генерал М.Д. Скобелев номи яна марказий матбуот саҳифаларида кўрина бошлади. Унинг мардлиги, жасоратлари-ю, хизматлари ноҳақ унутилиб, камситилаётгани ҳақида нолиб ёзипди. Аммо бу гал ҳам хушёр фикрли кишилар адолат тарозисини ушлаб қолдилар. Соғлом мантиқ устун чиқди: Скобелев сингари зобитларнинг фаолиятига баҳо берганда бир томонга оғиб кетмаслик лозимлиги, унинг булғор халқини озод қилишдаги жасоратлари қанчалик улуғланса, Туркистондаги, айниқса, Кўқон хонлигида, Туркманистонда қилган қонли қирғинлари шунчалик қораланишга сазовор эканлиги алоҳида таъкидланди. Зеро, адолат талаби шуни тақозо этади.

Аммо, афсуски, аллақачон ечимини топган бу масала, ҳеч қандай зарурат бўлмаган ҳолда „Звезда Востока“ ойномасида (1990 йил, 3- сон) босилган москвалик тарихчи М. Поповнинг „Ак паиша — белый генерал“ мақоласида қайта

кўтарилди. Қизиғи шундаки, бу мақолада генерал Скобелев „Чор Россиясининг фидойи фарзанди, унинг ифтихори, фахрига айланган шавкатли қаҳрамон“ деб зўр бериб таъриф-тавсиф этилади, унга бошдан-оёқ мадҳу сано ўқилади-ю, лоақал бирон-бир жойда у тўккан беҳисоб қонлар, ёвузликлар гилпа олинмайди ҳам. Ахир бу очикдан-очик бир ёқлама пик. тарафкашлик, қолаверса, ўша мудҳиш йилларда зўравонлик қурбони бўлган ерли халқлар — ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар, қирғизлар, қозоқларнинг ҳозирги авлодларини камситиш, ҳақорат қилиш эмасми? Наҳотки ҳамон шундай бўлса — адолат топталиб, ёлгон гаплар-у, разолат тантана қилиб қолаверса?! Йўқ, ундай эмас! Ҳозир бошқача замон. Тарихга ҳолис баҳо берадиган мутахассислар, хайриятки, орамизда бор. Кейинги пайтларда мазмундор шеърлари ва тарихий мавзудаги лавҳалари билан танила бошлаган шоир Хуршид Даврон „Босқинчилик қаҳрамонлик бўлдими?“ деган мақоласида генерал Скобелевнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлади. Эҳтирос ва чуқур мангик билан суғорилган бу мақолада чор босқинчиларининг кирдикорлари ҳамда бояги „қаҳрамон“ генералнинг уюштирган қирғинлари турли далиллар, ҳужжатлар асосида анча кенг баён этилди. Муаллиф маълум даражада Скобелевнинг исгилочилик фаолиятига ёки бошқача айтсак, тарихий „хизмат“ларига тўғри баҳо беришга муваффақ бўлади.

Элтигинчи йилларнинг ўртасидан бошлаб бу мавзуга фақат бир томонлама ёндашиб, унинг „*прогрессив аҳамияти*“ни кўрсатишга бугун ижтимоий фанлар аҳли сафарбар қилинган маълум. Оқибатда чор босқинчиларининг ёвузликлари деярли гапирилмади, чет элдаги ҳолис талқиқотлар эса ё қораланди, ё бутунлай четлаб ўтилди¹. Ана шу шароитда Хуршид Давроннинг матбуотдаги дадил чиқиши ҳамда профессор Ҳамид Зиёевнинг „Шарқ юлдузи“ ойномасида босилган „Чоризм босқини“ (1990 й., 7- сон) номли йирик мақоласи чинакам жасорат намуналари бўлди. Қайта қуриш

¹ Тарих фанлари доктори Ҳ.З. Зиёевнинг „Тошкентни Россияга қўшиб олиниши“ (Т., „Фан“, 1965) рисоласи бундан мустасно. Унда мазкур мавзу ҳужжатлар асосида ҳолис ёритилган.

даври руҳи билан суғорилган бу мазмундор мақолалар мазкур мавзунинг ёритиш йўлидаги илк қадамлар ҳисобланади. Аммо улар қалин парданинг бир томонини хиёл кўтардилар, холос. Босқиннинг даҳшатли манзараларини тўла кўрсатиш учун эса ҳали ўнлаб йирик тадқиқотлар, китоблар ёзилиши зарур. Қувонарли жойи шундаки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги ўн йил ичида ўзбек тарихчи олимлари бу борада бир қанча салмоқли асарлар яратдилар. Қўлингиздаги мақола шу йўналишдаги дастлабки ишлардан бири бўлиб, у „Шарқ юлдузи“ журналининг 1992 йилги 12- сонида боситиб чиққан эди. Шундан кейинги йилларда профессор Ҳ.З. Зиёевнинг *„Туркистонда Россия таъжовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш“* (Тошкент, „Шарқ“, 1998) номли салмоқли тадқиқоти эълон қилинди. Ҳ.Н. Бобобеков („Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки“, Т., 1990), Ҳ.Ж. Содиқов (*„XX аср бошларида чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш“*, Т., 1994), Д.Ҳ. Зиёева (*„Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати XX аср тарихнавислигида. 1916 йил қўзғолони ва 1918 — 1924 йиллардаги истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари“*, Т., 1999) ва бошқа тарихчи олимларнинг докторлик диссертациялари ёқланди. Д.А. Алимова, Н. Каримов, Б. Қосимов, С. Аъзамўжаевлар XX аср бошларидаги миллий уйғониш даври, жадидчилик ҳаракатининг ривожланиш босқичлари ҳақида мазмундор асарлар ёздилар.

Бироқ бу борала ҳали ўрганилмаган масалалар оз эмас. Ниҳоятда оғир кечган бу воқеалар тарихига алоқадор манбаларнинг кўпчилиги ҳали илмий истеъмолига киритилмаган. Бу тадқиқотларда XIX асрнинг II ярми — XX аср бошида Ватанимиз озодлиги ва тараққиёти учун олиб борилган курашлар аниқ тарихий далиллар асосида очиб берилди, атрофлича ёритилди. Айниқса, камини Москва кутубхоналарида бир оз муддат ишлаб, турли материал ва ҳужжатлар билан танишгач, буни чуқур ҳис қилдим. Биргина генерал Скобелев ҳақида маълум санодан иборат ўнлаб китоблар ёзилган экан. Уларнинг анчагинаси бадиий асарлардан иборат бўлиб, қайта-қайта нашр этилган. Мақсад мазкур генералнинг „буёк“лиги, „қаҳрамон“лигини халқ оғинига тўхтовсиз сиқдириб боришга қаратилган. Чоризм тарғиботи ҳар қалай бу

вазифани „*ҳалол*“ бажарган экан. Тарих аллақачон рад этган бу „*китоб*“ ларнинг номи ва муаллифлари билан танишнинг. Абаза К.К. „*Оқ генерал*“ Михаил Дмитриевич Скобелев. Санкт-Петербург, 1905; Артомонов Л.К. „1880—1881 йилларда генерал Скобелев қўмондонлиги остида чор армияси қўшинлари томонидан така-туркманларнинг тор-мор этилиши“. 3- нашри, Спб., 1898; Адам Жульетта „Генерал Скобелев“, Спб., 1886; Арцишевский А.Ф. „Генерал Скобелевнинг 1880—1881 йилларда Ахалтакада бўлиши.“ (Қаҳрамон даҳо вафотининг бир йиллиги муносабати билан). Тифлис, 1883; „Оқ генерал“. Қисса, М., 1899; „Оқ генерал“. Аскарларнинг М.Д. Скобелевга ҳамда рус-турк урушига бағишланган жанговар қўшиқ ва шеърлар гўллами. М., 1912; „Рус халқининг қаҳрамони — оқ генерал М.Д. Скобелев“. 4- нашри, Спб., 1898; С.А. Гринёв. „М.Д. Скобелев“, Киев, 1894; Красницкий А.И. „Оқ генерал“. „Генерал М.Д. Скобелев ҳаётига доир.“ Қисса-хроника, Спб., 1904; В.И. Немирович-Данченко. „Оқ баҳодир“. М., 1912; Струсевич А.П. „XIX аср қаҳрамонларидан бири“. Оммабоп очерк. Спб., 1899 ва ҳоказо.

Чор маддоҳлари бири олиб, бири қўйиб Скобелевни осмону фалакка кўтардилар. Бири уни афсонавий қаҳрамон сифатида улуғласа, иккинчиси Наполеонга тенглаштиради. Сабаби, у чор ҳукумати манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилган эди-да! Истилочи чор армияси генерали фон Кауфманнинг бевосита раҳбарлигида биргина Туркистоннинг ўзида 5,380 кв. мил территория босиб олинди, Россия ихтиёрига ўтказилган. Бу ерлар Қўқон, Бухоро, Хива хонликлари ҳудудидан тортиб олинган. Ана шу зўравонлик сиёсатини амалга оширишда қилтичидан қон томган Скобелев гоҳ Қўқон, Фарғона қишлоқларини ёндириб, гоҳ туркман овуллариини ер билан яксон қилиб, қуролсиз аҳолини қириш ҳисобига ном чиқаргани маълум. Унинг бу хизматларига олқиш ёдирган шовинистлар ўша даврда ҳам чор ҳукумати мислсиз адолатсизлик қилаётгани, ўзга мамлакатлар ҳудудига босгириб кириб, беғуноҳ одамларни қириб, ўлдириб, зуравонлик қилгани ҳақида дом-мим демаганлар. Босиб олинган ерлардан оқиб келаётган беҳисоб бойлик, текинларомад чўнтакка тушиб тургандан кейин қалам ҳам бошқача йўрғалайди-да! Шунинг учун бу маддоҳ ёзувчилардан бошқача нарса кутиб бўлмайди.

Хўш, ўтмишда-ку бу қаҳрамон даҳо шунчалик мадҳ этилган экан, кейинги йилларда қандай баҳоланди? Бу борала М. Попов ёлғиз эмасдир? Мана шу хусусда бош қотириб, ўйлашиб юрганымда янги бир китобга дуч келиб қолдим. Унгача Хуршид Даврон ёзган мақола етарли бўлди, энди бу мавзуга қайтишга ҳожат йўқ деган тўхтамга келган эдим. Чорночор қалам олишга мажбур бўлдим. „Даҳо“нинг фаолияти жуда кенг ва ранг-баранг. Шунинг учун „Оқ генерал“нинг фақат Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларига гўхталиб, айрим мулоҳазаларим билан ўртоқлашишга уриниб кўраман.

Маълумки, Скобелев Туркистонда дастлаб фон Кауфман қўл остида хизмат қилиб, Кўқон хонлигини қонга ботирган эди. Кейинчалик у ана шу хизматлари эвазига подшоҳ марҳаматига сазовор бўлиб, водий губернаторлигини қўлга киритади. Унинг мустақил раҳбарлик фаолияти 1880—1881 йилларда Ахалпака экспедицияси билан боғлиқ, Золим генерал Кўктепа қатъаси ҳимоячиларини аёвси қириб ташлагани тарихий ҳужжатларда қайл этилган. Бу шайқатсизликлар ҳатто хориждаги олимлар томониан батафсил ёзилган, фош этилган. Энг муҳими, инқилобга қадар ўз асарлари ва хотираларини эълон қилган чор ҳарбий зобитлари бу ёвузликлар ҳақида батафсил маълумот берганлар. Ёвузликдан безор бўлган туркман халқи бу генералга „Кўзи қонли“ деб лақаб берган. Ана шу асарларни биргалашиб кузатсак, Туркистоннинг забт этилиш манзаралари ҳам, чор зобитларининг чишакам қаёфаси ҳам маълум даражада кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Чоризм манфаагларини гиш-тирноғи билан ҳимоя қилган М.Д. Скобелевнинг Туркистондаги ҳар бир қадамидан қон ҳили келиб туради. Аммо бу зог кўҳна Осийё бағрига келгунча ҳам фаришга эмас эди. Унинг ҳарбий фаолияти зулмга қарши бош кутарган поляк ватанпарварлари исбнини қонга ботиришдан (1864) бошланган. Бу „хизмати“ учун у 4-даражали Муқаддас Анша нишони билан тақдирланди. Ўзини тезроқ кўрсатиш, шон-шухрат орттириш талласаси айниқса Хива юриши (1873) даврида авж олади. У Хива юриши бошланишидан олдин ўртоқларига: „Бу гал албатта Георгий крести оламан!“ — деб мақтанган эди. Кўшини Амударёдан ўтиб, хонликнинг йирик шаҳар ва қишлоқларини бирма-бир забт эта боради. Қаршилик кўрсатган Хўжайли шаҳри ва



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4710> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4710> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4710>